

А Ж Р И М

2023 йил сентябрь ойининг 06 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Абдуллаевнинг котиблигида, Шайхонтоҳур тумани прокурори ўринбосари М.Шукуруллаева, судланган Каримов Санджар Абдусаттарович, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ пробация бўлимининг иштирокида:

Каримов Санджар Абдусаттарович - 09.08.1980 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино-2 мавзеси 13-уй, 128-хонадонда истиқомат қилувчига

нисбатан иш бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ пробация бўлимининг С.Каримовни ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа турдаги жазо тури билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

С.Каримов жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 15.05.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 07.07.2023 йилдаги ажримига кўра, С.Каримовга тайинланиб ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 4 ой 8 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Маҳкум жазони бир кунини ҳам ўтамаган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ пробация бўлими судга тақдимнома билан муружаат қилиб, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб, қочиб юрганлигини, келгусида қасддан қайта жиноятлар содир этишини олдини олиш лозимлигини кўрсатиб, унинг ўталмай қолган жазо муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштиришни сўраган.

Прокурор ёрдамчиси тақдимномани қувватлаб, маҳкум ишга юборилган бўлса-да, жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб, ишга жойлашмасдан, жазо муддатини ўтамаётганлигини инобатга олиб, унинг ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни сўради.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ пробация бўлими инспектори ҳозирда маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазони ўташ учун бир нечта жойга ишга юборилганлигини, лекин жазони ўташдан бўйин товлаб, ишга жойлашмасдан келаётганлигини маълум қилиб, унинг ўталмай қолган жазо муддатини бошқа жазо турига алмаштиришни сўради.

Суд муҳокамасида С.Каримов ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилишини, унинг оилавий шароити оғирлигини, ахлоқ тузатиш ишлари жазони ўташ учун бир нечта жойга ишга юборилганлигини, лекин оилавий шароити сабабли ишга



жойлаша олмаганлигини баён қилиб, унинг ўталмай қолган жазо муддатини бошқа жазо турига алмаштиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисмида “агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши” белгиланган.

Суд, тақдим қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиб, туман прокурори ёрдамчисининг, инспекторнинг ва маҳкумнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, маҳкумни ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ўзига суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товланганлигини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни ва С.Каримовнинг ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси ва 48¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 113,116-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 539-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ пробацция бўлимининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Каримов Санджар Абдусаттаровичга суд томонидан белгиланган ва ўталмаган 4 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Жазони ижросини таъминлаш С.Каримовнинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати С.Каримов жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан С.Каримовга:

- сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 21:00дан эрталабки соат 07:00га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик ва Республика ҳудудидан чиқмаслик;

- алкоғолли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик чеклашлари белгилансин.

С.Каримовга жазони ўташ даврида унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон 20 сутка ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

